



Туркистон рус ҳокимияти остида (оқ подшо даври)



Туркистондаги рус идора усуллари

Туркистонни кадам-бакадам босиб олиш мамлакатнинг анъанавий идора тузумини (тайинланган беклар, уруг оксоколлари ва меросга асосланган хукмдорлар рахбарлиги) йўқотиб, унинг ўрнига айрим ўзгаришлар билан рус идора усуллари ўрнатишга йўл очди. Хали 1824 йилдаёқ рус ҳукумати Кичик Юз учун янги бир идора усули жорий қилганди. Шуларнинг орасида энг ўзига хос ўзгаришлардан бири Кичик Юз султонларини Русия томонидан тайинланишидир. Туркистоннинг Дашт (степь) бош волилигининг бошқа ўлкаларида ҳам анъанавий идора усуллари ўрнига рус бошқарув шакли ўрнатилди. Шу билан бирга тузилган ноҳия сифатидаги идоралар 1868 йилга қадар маҳаллий султонларга қарар эди. 1868 йил 21 октябрида рус ҳукумати қабул қилган бошқарув низомномаси билан Урал ва Тўрғай ўлкаларини Оренбург бош волилигига, Омўла ва Еттитом (Семипалатинск) ўлкалари ГАРбий Сибирь бош волилигига айлантирилгач, бу тўрт ўлка 1891 йил 25 майда Омск марказ бўлгани ҳолда «Дашт [степь] бош волилиги» номи билан мустақил бир маҳаллий идорага бирлаштирилди. Дашт бош волилиги 168 моддали (Масевич. Материалм по истории, 387 - 399 бетлар.) бир дастур асосида бошқариларди. Бу янги дастурда ўлканинг аввалги рахбарлари султон ва беклар ҳақида ҳеч гап йўқ эди. Ўлка тўғридан-тўғри руслар томонидан бошқариладиган бўлди. Шундан бўлса керак, русларнинг хоҳиш-истакларини ерли халқларга етказиш учун таржимонлар тайёрлашга катта эътибор берилди. 50га яқин оилани камраб олган кичик идораларни бошқа-ришгина туркманларга ишониб топшириладиган ва улар «оксокол» номи билан иш юритадиган бўлди. Агар улар мансабда кичик бир поғонага кўтариладиган бўлса, албатта, бу рус маъмурларининг тасдигидан ўтиши лозим эди. Туркистоннинг бошқа ўлкалари, асосан, Кўкон хонлигидан тортиб олинган ерларни

бошқариш учун 1865 йил 12 февралда Исик кўлнинг гарбидан Урал дарёсигача чўзилган заминда Оренбург бош волилиги кўл остида бўлган «Туркистон ўлкаси» ташкил этилди(Крафт. Законъ! о киргизах, 296-6.). Русия Туркистоннинг Кўкон хонлигини ва Бухоро амирлигига қарашли ерларнинг катта бир қисмини босиб олгандан сўнг 1867 йил 1 июлда қонун чиқариб, «Туркистон ўлкаси»нинг номини Сирдарё, Ёттисув ва Самарқанд вилоятларидан иборат «Туркистон бош волилиги» деб ўзгартирди. Кўкон хонлиги тугатилиши билан 1876 йили «Фаргона ўлкаси» ташкил этилди. Хива хонлиги ва туркман ерлари босиб олинган, бу ерлар Кавказ волилигига кўшилди. 1874 йили «Амударё шўъбаси» ташкил қилиниб, 1887 йили Сирдарё ўлкасига қўшиб юборилди. 6 февраль 1890 йили «Хазар денгизи тевараги мустанкил ўлка бирлиги» тузилиб, бу ҳам Фаргона ўлкаси қаби Туркистон бош волилигига тобе бўлди. Туркистон бош волилиги идораси учун алоҳида низом (331-моддалар) биринчи марта 1886 йил 2 июнда қабул қилинди. Фуқаро ҳам ҳарбий идора, ҳам бош воли ва ўлка волилари назоратида эди. Бош воли, айни замонда, рус қисмларининг кўмондони ҳам эди. Туркистон ва Ёшт бош волилиги Русия ҳарбий нозирлигининг тасарруфида бўлиб, Туркистон бош волиси тўғридан-тўғри ок подшога мувожаат қилиш ҳамда ташқи сиёсатга доир қарор қабул қилиш қаби алоҳида имтиёзларга эга эди. Ўлка волилари ўлим ҳазосини тасдиқлаш ва афв этиш ҳуқуқига эга бўлган. Ўлим ҳазосига оид қарорларнинг тафсилотини бош волига етказиш лозим бўлган. Бош воли эса бу маълумотни Петербургга билдириши шарт эмас эди. Туркистондаги рус ҳарбий идоралари ва бош волиларнинг вазифаси, нима бўлишидан қатъи назар, рус хокимиятини ҳимоя қилишдан иборат эди(Бу ерда рус идора сиёсати ҳақида ортиқча маълумот беришдан ўзимизни тутдик, чунки бу борада қуйидаги адабиётлар мавжуд: А.Риер. Central Asia, 49-91-6., Уилер, The Modern history, 65 - 69; С.Зиманов, Политический строй Казахстана, 143 - 227 б. ва х.к. Тур-кистон бош волилари қуйидагилардир: Фон Кауфман (1867 - 1882), Черняев (1882 - 1884), Розенбах (1884 - 1889), Верецкий (1889 - 1898), Духовский (1889 - 1900), Самсонов (1907 - 1914). Куропаткин (1914 - 1917). Киёсланг: Holdsworth, Turkestan, in 19 th Century, 70-6.). Туркистонда бутун идора ишлари руслар кўлига ўтди. Фақат кишлок раислари, мироб ва қозилар туркистонликлардан сайланар, булардан қозини рус губернатори тасдиқлар эди. Қозиларнинг фаолияти 43 нафар рус қаймоқом (судья)лари томонидан қаттиқ назорат қилинади, рус бошқарув тизими аҳолининг диний ҳаётига ҳам аралашар эди. 1866 йил идора низомининг 25-моддаси бўйича оддий халқ расмий вазифаси бўлмаган ўз имомларини сайлаш ҳуқуқига эга эди. Шу низомнинг 261-моддаси вақф ерларини бекор қилди. Жоме масжидларининг фаолияти бош воли изнига бўйсунарди. 1891 йил 25 март низоми бўйича эса Тўрғай ва Урал ўлкаларида жоме масжиди ташкил қилиш учун Русия ички ишлар нозирлигининг руҳсати лозим эди. Туркистонлик хокимлар ойлиги 30 сўмдан ошмаган, асосан, оилавий масалаларни кўриб чиқа олиши мумкин эди. Туркистонда ягона диний марказ бўлиши қатъий ман қилинган. Идора ишлари туркистонликлар воситасида русча олиб бориларди. Ёстлабқи таржимонлар гуруҳи татар ва бошқирлардан ташкил топган эди. 1886 йилдан рус офицерлари ерлик халқ тилини ўрганишга мажбур қилинди. Аммо офицерлар бунга амал қилмади. Русча биладиган туркистонликлар шу қадар оз эдики, рус ҳуқумати Омск ва Тошқентда Туркистон ва бошқа Осиё мамлакатларида ишлайдиган руслар учун «Осиё тил мактаби» очишга мажбур бўлди(Вдзёнконский П. «Сборник узаконней и распоржений правительства устройстве крестьян и инородцев степного края», СПб 1887, 47-6.). 1889 йилгача тажриба тариқасида ерли халқдан ноҳия (уезд) хокими ўринбосари

сайланиши жорий этилган эди. Андижон кўзголонидан сўнг 1889 йилги низом билан бу коида ўзгартирилди. Кўзголон бостирилгач, рус бош волиси Духовский маҳаллий халк билан мулоқот факат рус таржимонлари ёки мутлак ишончли бўлган русларга садокатли рус бўлмаганлар воситасида олиб борилиши ҳақида буйруқ берилди.

Рус бошқаруви иш бошлаши билан Туркистоннинг эски асилзодалари бир четга сурилиб қолди. Зодагонлар, ҳокимлар, беклар (тайинланган ёки ворислик билан ҳукмронлик қилувчилар, султонлар, уруғ оксоқоллари) каттик назоратга олиндилар ёки бошқа юртларга сургун қилиндилар. Харбий мутахассислар эса уруш даврида ва истило вақтида йўқ қилинди. Асир олинган туркистонлик харбий соҳа вакиллари узок йиллар қамокда қолган ва улардан факат ўз хурлиги учун қурашиш фикридан қайтганларгина озод қилинди. Руслар босқинига қарши алоҳида жасорат кўрсатганлар, русларга қарши қурашган зобитлар ёппасига қиргин қилинди.

Рус бошқарувидагиларнинг асосий қисми савдогарлардан бўлган бирмунча туркистонликларни ўзига оғдиришга муваффақ бўлди. Улар рус ишголидан биров муддат ўтгач, бошқарув идораларида рус сийёсатига фойдаси теккач, «билимдонлик» қила бошладилар ҳам. Бундайларнинг миқдори ниятда оз бўлганлиги учун ҳам рус ҳукумати факат ўз қучига ишониши лозим эди. Шунинг учун 1909 йилда бош воли Самсонов бошқа турли миллатлар истикомат қилувчи чегара ноҳиялари рус давлати билан бирлашиб кетиши факат бош вакилнинг янада обрўли бўлишини таъминланиши мумкин деб ҳисобларди (Аминов. Экологические развития, 84-6.). Туркистонни мустамлакага айлантириш билан бевосита шугулланган А.В.Кривошеин 1912 йили шундай ёзади: «Туркистонда ҳамон ички ўзгаришлар тугамади. Ўзгартириш учун у ёки бу идорани қайта қуриш эмас, балки қучли қурол воситасига ҳамда қудратли обрўга эҳтиёж борлиги кўринади» (Кривошеин А.В., Записки главноуправляющего землеустрой-ство и земледелием (о поездке в Туркестанский край в 1912 году], СПб, 1912, 78-6.). Туркистон тубида-ги хар бир нарсани яшироладиган бир денгиз қабидир. Руслар, ният, шахсан эътироф этадиларки: «Ўтмишда ишгол қилган ерлардан Тошкент, Самарқанд, Хелсинг-форс, Варшава узок муддатдан бери ўзини Русияга душман ҳисоблаб қелдилар ва Русиянинг ичида Русияга қарши бир бегона давлат сифатида мавжудлигини ҳимоя қилдилар» (Марков, Россия в Средней Азии, 477-6.). Туркистондаги сўнги рус бош волиси Куропаткин шундай дейди: «Ярим асрлик ҳукмронлик давомида рус ҳукумати бегона миллатлардан ок подшо-га ишонадиган бир хизматкор ва рус давлатига содиқ бир ватандош яратишга муваффақ бўлмади» (Hayit, Sowjetrussische Orieutpolitik, 18-6.). Бу ҳолат табиий эди, чунки Туркистондаги урушнинг чўзилиб кетиши ва деярли ҳеч қачон тўхтамаганлиги юқорида-ги мақсадни амалга оширилишига монелик қиларди. Туркистон босиб олинishi билан унинг халқи душман деб эълон қилинган ва душманларча муомала қилиниб, тобе сифатида бошқарилган эди. Шу сабабдан Туркистон мамлақати харбийлар томонидан идора қилинди, парчалаб юборилган Туркистон давлатлари факат харбий қуч билан бошқарилиб турилди. Туркистонликлар рус давлати учун янги бир унсур эди. Рус ҳукумати уларни босқинчи руслардан фарқ қилиш учун «ерлик аҳоли» (коренное население) ва 1904 йил 14 февралдан эътиборан «махаллий нуфузлар» (туземное население) ибораларини ишлатар эди (1904 йил 11 февралда Туркистон бош волилиги шўроси ерлик халқ деб қимларни ҳисоблаш кераклиги ҳақида қарор қабул қилди. Бу қарорга биноан рус босқинидан аввал бу ерга жойланиб қолган насроний динига мансуб бўлмаган русияликлар ҳам ерлик халқ саналарди. Бундан ташқари қўшни Осиё мамлакатларидан

келиб жойлашиб колганларнинг барчаси хам махаллий халк хисобланарди. Киёсланг: Журнал Совет Туркестанского генерал губернатора, - Ташкент: 1904, No 39,13- ва 18-19 бетлар.).

Др.Боймирза Хайитнинг
"Туркистон Россия ва Хитой оралигида" китобидан